

2018

HADITH IN THE EARLY PERIOD OF ISLAM AND ITS IMPACT ON THE COMPANIONS' SPIRITUAL LIFE

Aziz Tajiyev

International Islamic Academy of Uzbekistan, aziztoho_83@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Tajiyev, Aziz (2018) "HADITH IN THE EARLY PERIOD OF ISLAM AND ITS IMPACT ON THE COMPANIONS' SPIRITUAL LIFE," *The Light of Islam*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 5.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/5>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

ИЛК ИСЛОМ ДАВРИДА ҲАДИСЛАР ВА УЛАРНИНГ САҲОБАЛАР МАЪНАВИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

ХАДИСЫ В ПЕРИОД РАННЕГО ИСЛАМА И ИХ ВЛИЯНИЕ НА ДУХОВНУЮ ЖИЗНЬ СПОДВИЖНИКОВ

HADITH IN THE EARLY PERIOD OF ISLAM AND ITS IMPACT ON THE COMPANIONS' SPIRITUAL LIFE

Калит сўзлар: ҳадис, осор, сунна, хабар, тадвин, китобат, ҳадис тўпламлари, саҳоба, тобеин.

Ключевые слова: хадис, асар, сунна, хабар, тадвин, китабат, сборники хадисов, сподвижник, последователь.

Key words: hadith, athar, sunna, khabar, tadwin, kitaba, hadith collections, companion, successor of the companions.

Ҳадислар ижтимоий ҳаётда учрайдиган турли диний масалаларнинг ечимини ҳал қилишда ислом динининг муқаддас китоби Қуръондан кейинги иккинчи асосий манба ҳисобланади. Шунингдек, ҳадислар ислом тарихи ва таълимоти, мусулмонларга хос анъаналар, қадриятлар ва уларнинг маънавий олами ҳақида муҳим маълумотлар берувчи тарихий манба сифатида эътироф этилади.

“Ҳадис” арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “гап”, “сўз”, “хабар”, “ҳикоя”, “янги”, “замонавий” деган маъноларни англатади [2:152]. Истилоҳда эса Пайгамбар (с.а.в.) томонидан айtilган сўзлар, қилинган ишлар, унинг тақрирлари, ташқи кўриниши ва ахлоқига оид сифатлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олган ривоятларга нисбатан қўлланилади.

Исломишуносликка оид илмлар, хусусан ҳадис илмларига бағишланган асарларда “ҳадис” атамасига синоним тарзда сунна, хабар, осор, ривоят каби сўзлар қўлланилган.

Ислом таълимотида ҳадислар илоҳий ваҳийнинг бир шакли ва Қуръон оятларининг шарҳи сифатида эътироф этилиши сабабли саҳобалар томонидан қизгин ўрганилган. Албатта, ушбу қизиқишнинг ортиб бориши, ҳадисларнинг саҳобалар томонидан ёд оlinиши, ўрганилиши, ҳаётга татбиқ этилиши ва сўнгра ёзиб оlinишига “Ким Расулга итоат қилса, Аллоҳга итоат қилибди” мазмунидаги Қуръони карим “Нисо” сурасининг 80-ояти ҳам сабаб бўлган.

Одатда саҳобалар ҳадисларни бевосита Пайғамбар (с.а.в.)нинг оғизларидан эшитган ёки унинг қилган ишлари ва тақрирларига шоҳид бўлган ҳолатда қабул қилиб олишган. Муайян сабабларга кўра Пайғамбар (с.а.в.)нинг илмий мажлисларида иштирок эта олмаган, у зотнинг амаллари ва тақрирларига бевосита гувоҳ бўлиш шарафига мушарраф бўлмаган саҳобалар эса эшитган ва кўрган саҳобалардан ҳадисларни билиб олишга ошиқар эдилар. Шу сабабли саҳобалар Пайғамбар (с.а.в.)дан қабул қилган ҳадисларни имкон қадар тезроқ ва мукамал ёдлаб олишга, сўнгра уни ўзгаларга етказишга ҳаракат қилишар эди. Ҳадисларнинг бугунги кунгача мутавотир ва оҳод кўринишида етиб келишининг сабаби ҳам уларни Пайғамбар (с.а.в.)дан бевосита қабул қилиб олган саҳобаларнинг адади билан боғлиқ. Жумладан, саҳоба Барро ибн Озиб Авсийнинг “Биз ўзимиз билган ҳадисларнинг барчасини Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитмаганмиз. Биз ундан эшитмаган ҳадисларни бошқа саҳобалар айтиб беришар эдилар. Биз эса туя боқар эдик. Шу сабабли Пайғамбар (с.а.в.)дан эшитмай қолган ҳадисларни уларни эшитган саҳобалар орасидан кучли хотирага эга бўлганларидан сўраб билиб олар эдик” [7:53] мазмунидаги ривояти бунга мисол бўла олади.

Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётлик даврида Қуръон ноzil бўлишда давом этаётгани ва унинг ҳадислар билан аралашиб кетишининг олдини олиш мақсадида саҳобаларни ҳадисларни ёзиб боришдан қайтарганлар. Шунга қарамай, манбаларда айрим саҳобаларга ҳадисларни ёзишга рухсат берилган истисно ҳолатлари ҳам бўлгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Жумладан, Пайғамбар (с.а.в.) Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос каби айрим саҳобаларга ҳадисларни ёзиб боришга рухсат бергани маълум [8:54].

Ҳадисларнинг ёзилиши, жамланиши ва китоб шаклига келтирилиш жараёни Қуръондан кейинроқ юз берган. Чунки Пайғамбар (с.а.в.)нинг ўзлари саҳобаларни бу ишдан қайтарганлар. Масалан, Абу Саид Худрий бу ҳақда шундай ривоят қилади: “Биз Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ҳадисларни ёзишга рухсат сўрадик, бироқ у зот рухсат бермадилар” [6:64]. Чунки ўша вақтда саҳобалар орасида ўқиш ва ёзишни биладиганлари асосан Қуръон оятларини ёзишга йўналтирилган эди. Бу эса оятларни ўзлари учун ёзиб олиш истагида бўлган саҳобалар орасида савод чиқаришга бўлган қизиқишнинг ортиб боришига олиб келган. Абдуллоҳ ибн Саид ибн Ос, Саъд ибн Рабиъ Хазражий, Башир ибн Саълаб, Абон ибн Саид Ос каби саҳобалар ўқиш ва ёзишни ўрганишган ва бошқаларга ҳам ўргатишган. Шу тариқа ваҳий котибларининг адади 40 тагача етган [9:63].

Мақолада Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётлик даврида саҳобалар ҳаётида ҳадисларнинг ўрни, саҳобаларнинг ҳадисларга бўлган кучли қизиқиши ҳадис тўпламлари ва манбалар асосида таҳлил қилинган. Саҳобалар давридаги ҳадислар ёзилиши, жамланиши ва тўпламлар яратилишининг илк босқичи бўлиши китобат жараёни манбалардан олинган фактлар асосида кўрсатиб берилган.

В статье на основе сборников хадисов и других источников анализируется роль хадисов в жизни сподвижников во времена Пророка (с.а.в.). Процесс записи хадисов и написание их сборников в эпоху сподвижников объясняется как ранний этап собирания хадисов.

The role of hadith in the life of the companions, their great interest towards hadith in the lifetime of the Prophet (PBUH) were analyzed on the basis of hadith collections and other sources in the paper. The early “Kitaba” stage of writing down and collection of hadiths and creation of hadith collections in the period of the companions was explained on the basis of obtained facts from the sources.

Юқорида келтирилган маълумотлар саҳобалар асосан Қуръон оятларини ёзиш билан машғул бўлганларини кўрсатади. Абу Саид Худрийнинг қуйидаги ривояти ҳам ушбу фикримизнинг тасдиғи бўлади: “Биз ташаҳхуд ва Қуръондан бошқа нарсани ёзмаз эдик” [4:211].

Бошқа бир ривоятда эса Пайғамбар (с.а.в.)нинг ўзлари саҳобаларни бу ишдан қайтарган ҳолда шундай деганлари айтилади: “Мендан ёзманглар. Ким мендан Қуръондан бошқа нарсани ёзган бўлса, ўчириб ташласин. Мендан ҳадис айтинглар, бунинг зарари йўқ” [5:400].

Пайғамбар (с.а.в.)нинг саҳобаларни ҳадисларни ёзишдан қайтаришлари борасида Абу Сулаймон Хаттобийнинг фикрини келтириб ўтиш жоиз. Унга кўра, Пайғамбар (с.а.в.) битта саҳифада Қуръон билан бошқа нарсаларнинг ҳам ёзилишини маъқул деб топмагани учун ҳадисларни ёзишдан қайтарган бўлишлари мумкин. Чунки ўша даврда ёзув воситалари камёб бўлиб, саҳобалар оятларни тош ва суяк каби нарсаларга ҳам ёзишга мажбур бўлишар, ушбу етишмовчилик натижасида ҳадисларни ҳам оятлар билан қўшиб ёзиб қўйишлари мумкин эди. Шу сабабли Пайғамбар (с.а.в.) саҳобаларни ҳадисларни ёзишдан қайтарган ҳолда Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос каби баъзи ишончли деб билган саҳобаларга уларни ёзишга ҳам рухсат берганлар [9:66].

Бироқ айни вақтда Пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қилинган ва ҳадисларни ёзишга кўрсатма берилган ривоятлар ҳам мавжуд бўлиб, уларда Пайғамбар (с.а.в.) саҳобаларга ҳадисларни ёзишни тавсия қил-

ганлари айтилади. Жумладан, Ибн Қутайба Диноварий, Хаттобий ва Аҳмад Муҳаммад Шокирларга кўра, ҳадисларни ёзишга рухсат берилган ривоятлар ёзишдан қайтарилганларини насх қилган бўлиб, кейинчалик саҳобалар Қуръонни яхши ўзлаштирилганларидан сўнг унга бошқа нарсаларнинг аралашиб кетиш хавфи камайган ва саҳобалар ҳадисларни ёза бошлаганлар [9:67].

Ривоятлардан бирида келтирилишича, бир саҳоба хотирасининг заифлигидан нолиб, Пайғамбар (с.а.в.)га унинг айтаётган гапларини эслаб қола олмаётгани ҳақида шикоят қилади. Шунда Пайғамбар (с.а.в.) унга “ўнг кўлидан ёрдам сўрашни”, яъни ҳадисларни ёзиб боришни тавсия қилади [3:19]. Ушбу ривоят ҳам Пайғамбар (с.а.в.) муайян сабабларга кўра айрим саҳобаларга ҳадисларни ёзишга рухсат берганини кўрсатади. Дарҳақиқат, саҳобалар Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётлик даврида ҳадисларни шахсий фойдаланиш учун қоғоз, тери, тош ва бошқа ашёларга ёзиб боришган, ушбу амалиёт улар орасида кенг тарқалмаган ва бу даврда ҳадисларни тадвин қилиш, яъни турли нарсаларга ёзилган ривоятларни яхлит ҳолатга келтириб тўплам тузиш амалиёти кузатилмаган.

Бундан ташқари Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётлик даврида ҳадисларнинг ёзилганига Абу Ҳурайранинг ривояти ҳам далил бўлади. Унда шундай дейилади: “Расулulloҳ (с.а.в.)нинг саҳобалари орасида мендан кўп ҳадис биладиган йўқ эди. Фақатгина Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос мендан кўп билар эди. У ҳадисларни ёзиб борар, мен эса ёзмас эдим” [1:299].

Яна Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётлик даврида ҳадисларнинг саҳобалар томонидан ёзилганини қўшни мамлакатларга юборилган мактублар ҳам тасдиқлайди. Ўша даврда бундай миссияга эга бўлган элчилар Яман, Баҳрайн, Ямома, Хадрамавт, Уммон каби мамлакатларга юборилгани маълум [8:87].

Илк ислом даврида саҳобалар ҳадис эшитиш, илм олиш ва одоб-ахлоқ ўрганиш мақсадида Пайғамбар (с.а.в.)нинг илмий мажлисларига келиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишар, биргаликда илм ўрганишар эдилар. Ушбу илмий мажлислар, хусусан ҳадислар жоҳилия даврида араблар орасида кенг тарқалган турли салбий одатлар, ўз насаби ва мол-дунёси билан фахрланиш, орият ва фақирликдан кўрқиб қиз фарзандларни тириклайин кўмиш каби иллатларнинг аста-секин барҳам топишига олиб келган. Ўқиш ва ёзишни билмайдиган саҳобаларнинг оятлар ва ҳадисларни ўзлари учун ёзиб олишга бўлган қизиқишлари натижасида саводли бўлиш ҳолатлари кўпайиб борган. Ўз насаблари, шеърлари ва муҳим тарихий ҳодисаларни ёд олган ҳолда нақл қилишга одатланган араблар ора-

сида ислом келганидан сўнг оят ва ҳадисларнинг ёзилиши натижасида маълумотларни ёзма шаклда сақлаш анъанаси шаклланган. Шу тариқа илк ислом илмларига асос солинган.

Юқорида санаб ўтилган омиллар ҳамда саҳобалар ўқиш ва ёзиш борасида, Пайғамбар (с.а.в.)нинг илмий мажлисларида кўп ёки кам иштирок этганликларига қараб ҳадисларни ривоят қилишда ҳам бир-бирларидан фарқ қилганлар. Масалан, Абу Ҳурайра каби доимо Пайғамбар (с.а.в.)нинг ёнида юриб, ундан ҳадис эшитишга ҳаракат қилган саҳобалардан кўп ҳадис ривоят қилингани маълум. Турли вазифалар билан машғул бўлган ёки сафарларда юрадиган, натижада илмий мажлисларда кам иштирок этган саҳобалар эса кам ҳадис ривоят қилишган.

Шунингдек, саҳобалар хотира қувватларидан келиб чиққан ҳолда ҳадисларни Пайғамбар (с.а.в.)дан қабул қилиш, уларнинг асл мазмун-моҳиятини тушунишда ҳам бир-бирларидан фарқ қилишган.

Умуман, ҳадисларнинг ёзилиши, жамланиши ва тўпламларнинг яратилишини чуқур тадқиқ қилиш учун “китобат”, “тадвин”, “таълиф”, “тасниф” каби атамаларнинг мазмунини англаб етиш талаб этилади. Чунончи, “китобат” қоғоз ёки бошқа нарсага ёзилган хат ва рақамни, “тадвин” ёзилган алоҳида саҳифалардан иборат девон тузиш жараёнини, “таълиф” саҳифаларни жамлаган ҳолда китоб яратишни, “тасниф” эса мана шу яратилган китобни боблар, мавзулар ёки бошқа тартиб асосида муайян тизимга солиш жараёнини англатади. Айтиш мумкинки, ҳадислар ёзилиши, жамланиши ва тўпламларга киритилиши жараёнининг китобат босқичи саҳобалар даврида ҳам содир бўлган. Шу жиҳатдан олимларнинг “илми тадвин ва китобат қилган биринчи кимса Ибн Шихоб”, “тасниф ва тадвин тобеинлар асрининг охирларида бошланган”, “айрим саҳоба ва тобеинлар ҳадисларни ёзиб боришган, уларнинг суҳуф ва китоблари мавжуд бўлган”, деган мулоҳазалари ўртасида ихтилоф мавжуд эмас [9:59].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, саҳобалар ҳадисларни ўрганишга, уларнинг асл моҳиятини чуқур англаб етишга жудаям ҳарис бўлишган, улар ўзлари эшитган ривоятларни ўша давр одатига биноан ёд олиб, сўнгга ўзгаларга нақл қилишган ва шу тариқа ислом таълимотининг ҳадислар шаклида турли минтақаларга ёйилишига сабаб бўлишган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Умар Юсуф ибн Абдулбар. Жомеъ баён ал-илм ва фазлиҳи. –Ар-Риёда: Дор ибн Жавзий, 1994. –1493 б.;

2. Гиргас В.Ф. Арабско-русский словарь к ко-рану и хадисам. – Москва: “Диля”, 2006. – 914 с.;
3. Ibrahim Madani. The Preservation of Hadith / a Brief Introduction to the Science of Hadith. – New York: Madania Publications, 2010. – 46 p.;
4. Имом Абу Довуд. Сунан. – Ар-Риёд: Мактаба дор ас-салом, 2008. Т.4. – 544 б.;
5. Имом Муслим. Саҳиҳи Муслим. – Ар-Риёд: Мактаба дор ас-салом, 2007. Т.7. – 544 б.;
6. Имом Термизий. Жомеъ ат-Термизий. – Ар-Риёд: Мактаба дор ас-салом, 2007. Т.5. – 588 б.;
7. Муҳаммад Ижож Хатиб. Ас-сунна қабла ат-тадвин. – Байрут: Дор ал-фикр, 1981. – 652 б.;
8. Муҳаммад Муҳаммад Абу Заҳв. Ал-ҳадис ва-л-муҳаддисун ав инайя ал-умма ал-исломийя би-с-сунна ан-набавия. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 1984. – 495 б.;
9. Сайид Абдулмажид Ғаврий. Ас-сунна ан-набавия ҳужжиййатуҳа ва тадвинуҳа. – Байрут: Дор ибн Касир, 2009. – 160 б.

Aziz TAJIYEV,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом фанлари кафедраси таянч докторанти*

